310595

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 23 май, сешанба №61 (21.824.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги алоқалар ўзининг узоқ тарихига эга. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ана шу дўстона муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Жумладан, 1992 йилнинг августида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Покистонга расмий сафари бу муносабатларнинг янги ҳуқуқий асослари яратилишига имкон берди. Мазкур сафар чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар халқларимизнинг ўзаро алоқалари янада мустаҳкамланишига, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқнинг ривожланишига, қатор соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатилишига хизмат қилмоқда. Лекин ҳали фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш, халқларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш давр талабидир.

22 май куни Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг мамлакатимизга ташриф буюриши шу жиҳатдан ғоят аҳамиятлидир.

Тошкент аэропорти юксак мартабали меҳмон шарафига байрамона безатилган, тайёрагоҳда Покистон ва Ўзбекистон Давлат байроқлари қилпирайди.

Аэропортда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто ва унинг турмуш ўртоғига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Беназир Бхутто махсус шоҳсупага кўтарилди. Покистон ва Ўзбекистон Давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Беназир Бхутто миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортнинг кўркам биносида меҳмонлар хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашдилар.

Сўнгра Ислом Каримов ва Беназир Бхутто расмий делегация аъзолари билан танишдилар. Сўнг икки мамлакат раҳбарларининг қисқача мулоқоти бўлиб ўтди.

Шундан кейин Покистон ва Ўзбекистон Давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони Покистон ҳукумат раҳбари учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ўзбек ва урду тилларида икки халқ дўстлигини улуғловчи шиорлар битилган пойтахт кўчаларида минглаб шаҳарликлар меҳмонларни олқишладилар.

***

Машиналар карвони байрамона безатилган Тошкент кўчалари бўйлаб Покистон ҳукумати раҳбари учун ажратилган қароргоҳга етиб келди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг қароргоҳига ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон раҳбари билан Покистон ҳукумати бошлиғи ўртасида яккама-якка суҳбат бошланди.

Мамлакатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини таъкидлади. Беназир Бхутто Ўзбекистоннинг улкан табиий бойликлардан ташқари, иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим жўғрофий ўринни эгаллаши алоқаларимиз ривожи учун яхши омил бўлишини эътироф этди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Самимий мулоқот мобайнида Ислом Каримов ва Беназир Бхутто Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикр алмашдилар.

***

Шу куни Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтдаги Алишер Навоий боғига ташриф буюрди. Беназир Бхутто Ўзбекистонга расмий сафарининг дастлабки куни буюк шоир номидаги боғни зиёрат қилиши бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон ва Покистон тарихи доимо муштарак бўлиб келган. Бу муштараклик Шарқнинг машҳур аллома ва мутафаккирлари Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий яратган тафаккур дунёсидан баҳра олади.

Бу улуғ алломаларнинг жаҳон маънавияти хазинасини бойитган асарлари неча асрлардан буён Покистон Олий мактабларида ҳам ўрганилмоқда, китобхонлар бу бебаҳо асарларни доимий мутолаа қилмоқдалар.

Шу боис, покистонлик олий мартабали меҳмон буюк шоир Алишер Навоийга эҳтиром билдириб, унинг ҳайкали пойига гуллар қўйди.

***

Хайрли маросимдан сўнг Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтдаги муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройига келди.

Бу ерда Ўзбекистон ва Покистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов айни пайтгача икки мамлакат ўртасида 15 дан зиёд ҳужжатлар имзоланганига эътибор қаратар экан, улар халқларимизнинг азалий қардошлиги, ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Икки мамлакат ишбилармонлари бу алоқаларнинг мустаҳкамланишига муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Бу билан улар қадимий Буюк Ипак йўли орқали шаклланган алоқаларни ривожлантирмоқдалар. Мамлакатларимиз ўртасида ҳаво йўли очилгани бу борада ғоят қўл келмоқда. Марказий Осиёда, хусусан, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши Термиз-Карочи автомобиль йўлини қуриш имконини беради. Кейинчалик эса икки мамлакат ўртасида темир йўл қурилиши алоқа тармоқларини кенгайтириш, охир оқибатда фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис музокаралар минтақада тинчлик ва осойишталикка эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тошкентда Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорликка бағишланган БМТ доимий семинарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашини яна бир карра таъкидлади. Томонлар Афғонистонда тинчлик қарор топишини тезлатиш, биродаркушлик урушини тугатиш мақсадида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ушбу мамлакатга қурол-яроғ олиб киришни таъқиқлаши зарурлиги хусусида ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар.

Музокаралар ниҳоясида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги, сайёҳликни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Асиф Аҳмад Али имзо чекдилар.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Бош вазири Беназир Бхутто маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашди. Учрашув чоғида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Беназир Бхутто олий даражадаги учрашув ва музокаралар якунлари хусусида баёнот бердилар.

Покистон Бош вазири Ўзбекистон буюк ўтмишга эга эканини қайд этар экан, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли уни порлоқ келажак кутаётганига ишончи комил эканини таъкидлади.

Покистонлик журналистлар Президент Ислом Каримовнинг Кашмир муаммосига муносабати билан қизиқдилар.

— Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлик қарор топиши тарафдоридир, — деди Ислом Каримов бу саволга жавобан. — Шу боис биз бу муаммо тинч музокаралар йўли билан ҳал этилишини ёқлаймиз. Бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иштирокида ўтадиган Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги музокаралар орқали, БМТнинг шу масала хусусидаги резолюцияларига асосан ҳал этилиши керак.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Бош вазири Беназир Бхутто журналистларнинг бошқа саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

Шу куни Ислом Каримов Тошкентдаги «Наврўз» тантаналар уйида Покистон Бош вазири Беназир Бхутто шарафига қабул маросими уюштирди.

Покистон Бош вазирининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ПОКИСТОН САНОАТ МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

22 май куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхуттонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи муносабати билан Покистон саноати моллари кўргазмаси очилди. Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Усмонов тантанали равишда очди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Покистон Республикаси Бош вазири Б. Бхуттонинг турмуш ўртоғи, Покистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси жаноб Асиф Али Зардорий сўзга чиқиб, мазкур тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ алоқаларининг янада мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшишини таъкидлади.

Тошкентда иккинчи маротаба ўтказилаётган ушбу кўргазмада Покистоннинг 50 дан зиёд йирик фирма ва компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари иштирок этди.

***

Шу куни Покистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси жаноб Асиф Али Зардорий Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А. Ҳабибуллаев билан учрашди.

Учрашув чоғида у Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Унда сув ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳар икки мамлакат табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Жаноб Асиф Али Зардорий Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига инсонпарварлик ёрдами тариқасида дори-дармонлар ҳадя этди.

(ЎзА).

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳар қандай эгаменли мамлакат тезроқ тараққиётга эришиши, унинг халқи эса обод ва фаровон турмуш кечириши учун аввало ён-атрофидаги мамлакатлар билан дўстона бордикелдиларни яхши йўлга қўйиши ҳаётий заруратдир. Мойомики, узаро қўшни мамлакатлар халқларининг тарихи, маданияти, тили, дини, қадриятларию урф-одатларигача уйқаш экан, улар ўртасидаги интеграция, турли соҳаларда янада яқинлашув жараёни мазкур мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятининг илғор ва мутараққий давлатлари сафидан муқим ўрин олиши, бу йўлда учрайдиган муаммоларни эса нисбатан осон ҳал этиши учун кенг ва қулай имкониятлар яратиши шубҳасиз. Шу маънода Марказий Осиё давлатларининг, айниқса, Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг сўнгги йиллар ичида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга молиқдир. Ушбу республикаларнинг Ўзбекистонда Қозоғистон кунларини ва Қозоғистонда Ўзбекистон кунларини ўтказиш ҳақидаги ғояси бугун Туронзаминда ўз мустақиллиги йўлидан дадил одимлаётган икки мамлакат ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, интеграцион жараёнларни жадаллаштиришга, қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга яқиндан хизмат қиляпти. Хусусан, 1994 йилнинг май ойида Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари кенг миқёсда нишонланди.

Ўз навбатида шу кунларда Қозоғистон бўйлаб кутаринки руҳда дустона кайфиятда ўтаётган Ўзбекистон Республикаси кунларида иштирок этиш учун 20 май куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация Алматига ташриф буюрди.

Расмий делегация сафида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари Д. Ғуломова ҳамда Ю. Пайғин, айрим вазирлар, пойтахт ва вилоятлар ҳокимлари, таниқли олимлар, шоир-ёзувчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Ёқубов бор эди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари байроқлари билан безатилган қардош мамлакат пойтахти аэропортида республикамиз Президенти ҳамда делегация аъзоларини Президент Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги Қозоғистон Республикаси ҳукумат аъзолари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташрифи шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Самолёт пиллапояси ёнида қозоқ халқи миллий либосидаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга анвойи гуллар тақдим этишди.

Аэропортда Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Икки мамлакат раҳбарлари ўтган йили Ўзбекистонда бўлган Қозоғистон Республикаси кунлари ҳамда шу кеча-кундузда Қозоғистоннинг пойтахти ва кўпгина вилоятларида бошланаётган Ўзбекистон Республикаси кунлари икки дўст ва қардош мамлакат халқлари бир-бирининг бугунги ҳаёти, иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ютуқлари билан яқиндан танишиш имконини беражагини қайд этдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ташаббуси билан бошланган бундай кенг қамровли тадбирлар келгусида Марказий Осиё минтақасидаги бошқа республикалар ўртасида ҳам ёйилишига ҳамда бу ҳол қадим Туркистон ҳудудида истиқомат қилаётган тарихи, ери, суви, офтоби ягона жами халқларнинг тараққиёт томон, фаровон турмуш ва порлоқ келажак сари ҳамкору ҳамжиҳатликда дадил одимлашлари учун муҳим омил бўлишига умид билдирдилар.

Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев тушган машиналар Қозоғистон Президентининг қароргоҳи сари йўл олади. Бу ерда икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унинг асосий мавзусини икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги куни ва истиқболлари муҳокамаси ташкил этди. Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги узаро алоқаларини янги погонага кўтариш зарурлиги ва бунинг учун бугунги кунда барча имкониятлар мавжудлиги борасида ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар.

Тушдан сўнг Президентлар «Атакент» ишбилармонлар марказида «Интеграция-95» кўргазмасининг очилиш маросимида қатнашдилар. И. Каримов ва Н. Назарбоев кўргазмада намойиш этилаётган Ўзбекистоннинг иқтисодий ва илмий-техникавий имкониятлари ҳосили — авиасозлик, машинасозлик, тўқимачилик ва енгил саноат, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги товарлари, замонавий асбоб-ускуналар, шунингдек, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон қўшма корхоналари ишлаб чиқараётган турли маҳсулотлар намуналари билан танишдилар. Кўргазманинг Ўзбекистон ва Қозоғистон учун янги соҳа бўлган автомобилсозлик бўлими Президентларда катта қизиқиш уйғотди.

Маълумки, Асакада Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорликда енгил машиналар заводи бунёд этилмоқда. Келаси йил завод конвейрларида дастлабки машиналар йиғила бошлайди. Қозоғистон Президенти ҳам Жанубий Кореяга ташрифи чоғида «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорлик ҳақида музокаралар олиб борди. Кўргазмалар биносининг иккинчи қаватида ўтган Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармон доиралари учрашувида Президентлар икки дўст республика ўртасида кечаётган интеграция жараёни тўғрисида сўз юритиб, шу жумладан, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасида уч томонлама ҳамкорлик масалалари хусусида ҳам тўхталдилар. И. Каримов ва Н. Назарбоев тадбиркорларни фурсат кутиб ўтирмасдан, ҳамкорлик алоқаларини дадил ривожлантиришга чақирдилар. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида узаро ҳамкорлик ҳақидаги битим мавжуд. Ҳар икки давлат 2000 йилгача тузилган интеграция дастурига риоя қилмоқда. Узаро ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва осонлаштириш учун Марказий Осиё банки ташкил этилди ва мазкур банк ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро доираларда тан олинмоқда. Учрашувда икки томон ишбилармонлар вакиллари интеграцион жараёнлар билан боғлиқ қуплаб масалаларни муҳокама қилдилар.

Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари очилиши маросими арафасида Президентлар И. Каримов ва Н. Назарбоев қозоқ халқининг буюк фарзанди, бу йил 150 йиллиги кенг нишонланадиган улуғ адиб Абай Қунонбоев ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Кечқурун Алмати шаҳри марказидаги республика саройида Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари очилишига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Шу муносабат билан пойтахтнинг мазкур ҳашаматли саройига Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг маданият, фан ва санъат арбоблари, жамоатчилик вакиллари, хорижлик меҳмонлар ҳамда шаҳар аҳли вакиллари тўпланди. Йиғилганлар Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ҳамда икки мамлакат ҳукумат аъзоларини олқишлаб кутиб олдилар.

Тантанали йиғилишни Қозоғистон Республикаси Бош вазири Е. Асанбоев очди. Икки республиканинг Давлат мадҳиялари янгради.

Кечада Нурсултон Назарбоев билан Ислом Каримов табрик нутқи сўзладилар.

Маросим сўнгида Ўзбекистон ва Қозоғистон санъат усталари иштирокида катта концерт намойиш этилди. Ушбу қўшма концерт Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари доирасида ўтадиган маданий дастурни бошлаб берди. Ўзбекистоннинг бир қанча таниқли бадиий жамоалари Алмати ва Қозоғистоннинг ўнга яқин вилоятида томошабинлар ҳузурида концерт қўйишади. Қозоғистонда бошланган дўстлик ва қардошлик байрами 25 майгача давом этади.

***

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация Тошкентга қайтиб келди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус муҳбири.

СУРАТДА: Ўзбекистон кунларининг очилиш маросими.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Иқтисодий ислоҳот одимлари

ТАШКИЛОТЧИЛИКНИНГ ЎЗИ КИФОЯМИ, ТАЛАБЧАНЛИК-ЧИ?..

Навоий вилояти ҳокими Ҳаёт ҒАФФОРОВ билан мулоқот

Суҳбатдошимиз 1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент политехника институтини тугатган. Илк меҳнат фаолиятини Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида пардозловчиликдан бошлаган, 1971-1976 йилларда Навоий ГРЭСида катта муҳандис, партия қўмитаси котиби, 1977-1987 йиллар давомида Навоий ва Зарафшон шаҳарлари партия қўмитасининг иккинчи ҳамда биринчи котиби бўлган. Сўнгра «Ўзбекгидроэнергострой»да бош энергетик, Тошкент «Алинит» заводида директор, Тошкент политехника институтида ректор муовини бўлиб ишлаган. 1994 йил январидан Навоий кон металлургия комбинати 5-кон бошқармаси директори, шу йил январь ойида бўлиб ўтган вилоят кенгаши сессиясида эса Навоий вилояти ҳокимлигига сайланди. Оилали, уч фарзанди бор.

— Ҳаёт Раҳимович, ўзингизга маълум, навқирон Навоий вилоятининг мустақил республикамизда тутган ўз ўрни ва мавқеи бор. Шундай экан, дастлабки саволни вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги ҳаракатлар ва амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлардан бошласак. Айтингчи, раҳбарликнинг қайси бир услуб ва қирраларига таянилса юртбошимизнинг асосий диққат-эътиборида бўлган кенжа вилоят ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олади?

— Ҳозирги бозор муносабатлари ва туб иқтисодий ислоҳотлар даври ҳар бир раҳбардан: хоҳ у хўжалик ёки корхона бошлиғи, хоҳ у шаҳар ёки туман ҳокими, хоҳ у вилоят ҳокими бўлсин, ўта тадбиркорликни, ташаббускорликни тақозо этади. Чунки бугунги бурилишлар ва ўтиш даври шуни кўрсатяптики, эндиликда собиқ Иттифоқ давридагидек халқнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш ҳам, «йўқдан йўндираман», дея ваъда беришлар ҳам ярамайди. Зеро, ҳар бир фуқаро энди ўз ҳақ-ҳуқуқини, бурчини яхши билади. Айниқса, 84 миллат ва элатга мансуб бўлган 738 минг фуқаро яшаб, меҳнат қилаётган бизнинг вилоятда бу янада муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир янгиликка, ҳар бир хайрли ишга қўл уришдан олдин халқ билан ҳисоблашишимиз, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини обдон ўрганишимиз зарур.

Назаримда, вилоятимизнинг иқтисодий жиҳатдан заифлашиши, порокандаликка юз тутиши халқ билан ҳисоблашмаслик, уларнинг дардига қулоқ солмаслик оқибатидир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов вилоят сессиясида сўзлаган нутқида эл билан, омма билан яқинликни қайта-қайта таъкидлади. Ҳар бир муваффақият, қўлга киритилиши лозим бўлган ютуқ якка фикрлик билан эмас, асосан кўпчилик билан ҳал этилишини алоҳида уқтирди. Ҳатто собиқ раҳбарларнинг халқдан узоқлашиб қолганлигини, натижада янги вилоят тарқаб кетиб, Самарқанд ва Бухоро тасарруфида бўлганлиги, бу эса салбий оқибатларга олиб келганлигини кескин таҳқид қилди.

Бу таҳқид ниҳоятда ўринли. Ахир, қачонгача ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар тўлқинларига дош беролмай қиргоқдан паноҳ излаймиз? Мустақил Узбекистоннинг асосий таянч нуқталари, бақувват устунлари худди шу сиз ва биз яшаб турган вилоятлар, шаҳарлар эмасми? Шундай экан, нега қараб турибмиз? Кимдан мадад кутяпмиз? Шу боис ўзимга фақат шу саволни бераман: «Нима қилдим ва нима қилишим керак?!» Менимча эндиликда ҳадеб ташкилотчилик, тадбиркорлик, деган билан ҳам иш битмайди. Аниқроғи, биз ҳокимлар ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам қаттиққўл, талабчан бўлмасак жойларда иш юришмайди. Вақти келиб панд берадиган, белни синдирадиган бирдан-бир иллат бу — кўнгилчанлик, таниш-билишликдир. Ахир, худди шу сингари кўнгилчанликлар бўлмаса кейинги икки йил мобайнида вилоятда майда чорва моллари бош сони 200 минг, қорамоллар сони эса 40 минг бошга камайиб кетардими? Ёки дала-деҳқончилик ва саноатда ўзибўларчиликларга бу қадар йўл қўйиларми-ди? Ҳозир ҳеч ким кафолат беролмайди. Навоийдаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрлашган кимё ҳиссадорлик корхонаси, машинасозлик ва цемент заводлари бир маромда, тўла қувват билан ишлаяпти деб. Масалан, у ёки бу узилишлар сабаб ўтган йили электрлашган кимё ҳиссадорлик корхонаси бор-йўғи 20 тонна ўсимликларни ҳимоя қилиш дориси ва 419 тонна ош тузи ишлаб чиқарган, холос. Оқибатда корхона йилни 1,9 миллион сўм зарар билан якунлади.

Бу сингари салбий ҳолатларга қандай тоқат қилиш мумкин? Шунинг учун ҳам кўнгилчанликдан бутунлай воз кечиб, амалий ишга, қаттиқ талабчанликка ўтдик.

— Талабчанлик, деб ҳақ гапни айтдингиз. Иш бошлаганингизга ҳали кўп вақт бўлмасада кадрларни танлаш, жойжойига қўйишда анча ишлар қилинди. Энг муҳими, лаёқатли мутахассис ёш кадрларга ғамхўрлик сезиляпти.

—Томди, Нурота, Конимех, Навоий туманларида нафақат туман ҳокимлари, балки вилоят ҳокимлиги тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар қилдик. Янгиликдан, ташаббускорликдан ўзини олиб қочадиган, иқтисодий ислоҳотларга ўгай кўз билан қарайдиган аксарият раҳбарлардан воз кечдик. Қайта қуришга синчков кўз билан қарайдиган, бозор муносабатлари шароитида рақобат қила оладиган ишбилармон кадрларни олиб келдик. Айни пайтда ҳоким муовинлари, бўлим ва бошқармалар раҳбарлари бўлиб ишлаётган бу кадрлар асосий таянчимиздир. Биргина ҳокимлик тизимида эмас, вилоят ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида ҳам кадрлар танлаш асосий диққат-эътиборимизда бўлмоқда. Масалан, мен юқорида саноат корхоналари, жумладан, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва цемент заводидаги қолоқликни қайд этдим. Бу нима, раҳбарларнинг, жойлардаги мутахассисларнинг айби эмасми? Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмасдан ҳар икки ишлаб чиқариш корхонасига катта тажрибага, етук мутахассисликка эга бўлган Евгений Иванов ва Турғун Тошпўлатов каби жонкуяр, раҳбар кадрларни директор этиб тайинладик. Самараси эса дарров кўзга ташланди. Цемент заводида маҳсулот сифати яхшиланиб, харидоргирлиги ортган бўлса, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ва харид қилиш кескин кўпайди. Мана, сизга кадрлар кучи ва қобилияти.

Кадрлар сон ва сифатида биз биргина уларнинг қобилияти, билими, ташаббускорлигига таяниб қолаётганимиз йўқ, албатта. Кадрлар танлашда, унга лавозим беришда биринчи галда унинг ҳалоллиги, ҳақгўйлиги, одамлар орасида тутган ўрнидан келиб чиқяпмиз. Натижада орамизга порахўр, товламачи, мансабини суиистеъмол қилувчиларнинг кириб қолиши олди олинмоқда.

Бироқ биз кадрлар танлашда бехато ишлаяпмиз, ҳар бир кадр хислатини, характерини обдон ўрганяпмиз, дея мақтана олмайман, Аммо нима бўлганда ҳам кадрларга бўлган талабчанлик, масъулият, синов асосий мезон ва ўлчовдир.

— Ҳаёт ака, энди суҳбат мавзуини тадбиркорлик ва хусусийлаштиришга қаратсак. Бу ўринда мен кўпроқ хусусий корхоналарни, ҳамкорликда қурилган қўшма ва кичик корхоналарни назарда тутяпман. Иложи бўлса, мазкур корхоналар фаолияти хусусида ҳам фикр билдирсангиз.

—Жойларда бўлгани каби бизнинг вилоятимизда ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, хусусийлаштиришни тезлаштиришга алоҳида эътибор бериляпти. Биз бугунги кунда нафақат савдо дўконлари, балки у ёки бу маҳсулот тури ишлаб чиқарадиган кичик корхоналарни ҳам фуқароларга хусусий мулк тарзида беряпмиз. Энг қувончлиси, бу — вилоят шаҳар ва туманларида қурилаётган ҳамкорлик асосидаги қўшма корхоналар сонининг муттасил ортиб бораётганидир. Масалан, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида қуриб фойдаланишга топширилган «Агама», «Зарисспарк», «Каркарал» қўшма корхоналари фикримизнинг ёрқин далилидир. Ушбу корхоналарда ўтган йили 97 миллион сўмлик турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида қарийб 30 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди. Биргина Ўзбекистон—АҚШ ҳамкорлиги рамзи бўлган «Зарисспарк» қўшма корхонасини оладиган бўлсак, айни пайтда хориж технологияси ва асбоб-ускунасига эга бўлган бу корхонада 30 турга яқин заргарлик буюмлари, тилло тақинчоқлар тайёрланмоқда. Мақсадимиз шу ва шунга ўхшаш корхоналар сонини кескин кўпайтиришдир.

Бундан ташқари биз ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор беряпмиз. Масалан, италиялик ва украиналик ишбилармонлар билан келишган ҳолда Навоий тўқимачилик комбинати қурилишига ҳам жадал суръатда киришяпмиз. Қарийб 5 минг ишчи ўрнига эга бўлган мазкур комбинатни яқин 2-3 йилда фойдаланишга топширишимиз лозим. Қоракатада қурилаётган фосфорид заводи, Учқудуқда ишга туширилиши арафасида турган 3-кон металлургия заводи ҳам муҳим аҳамиятига молик бўлган қурилишлардир. Умуман олганда, вилоятимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштиришни авж олдириш шу кун талаблари даражасида олиб бориляпти.

Деҳқончилик, чорвачиликдаги тадбиркорлик, хусусийлаштириш ишларимиз ҳам чакки эмас. Бугунги кунда вилоят туман ва хўжаликларида 619 та якка деҳқон фермерлари фаолият кўрсатяптилар. Уларга 6700 гектар суғориладиган майдон хусусийлаштириб берилган. Натижада фермерлар қарамоғида бўлган қорамоллар бош сони 7300 тага, қўй ва эчкилар сони эса 22 минг бошга кўпайди. Деҳқон фермерларни қўллаб-қувватлашда Нурота, Қизилтепа туманларида хайрли ишлар қилинмоқда. Пахтакор ва ғаллакорларимизнинг ҳам ишлари кўнгилдагидек. Бу йил навоийликлар камида 86 минг тонна ғалла, 120 минг тонна пахта етиштириш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

— Сиёсий партиялар ва фракцияларнинг вилоятда тутган ўрни қандай?

— Мен вилоятдаги учала партияни ҳам: жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясини ҳам, «Ватан тараққиёти» ва ўз бошидан ташкилий, таркибий жараёнларни кечираётган «Адолат» социал-демократик партиясини ҳам сиёсий, нуфузли ташкилотлар тарзида ҳурмат қиламан. Мазкур партияларнинг вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги ўз лойиҳа ва дастурлари мавжудлигини ҳам яхши биламан. Ҳокимлик тизимига амалий ёрдам масаласига келсак ЎзХДП вилоят кенгаши, унга аъзо бўлиб кирган 14,5 мингдан ортиқ аъзолар жойларда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда, истиқлол мафкурасини амалга оширишда қўлдан келган ҳамма ишларни қилмоқдалар.

Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ва ҳаёт

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ИБРАТИ

ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг ижроия бюроси Сирдарё электр тармоқлари корхонаси бошланғич партия ташкилотининг партиямиз дастурини амалга ошириш борасидаги фаолиятини маъқуллади.

Ўз атрофига 33 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган мазкур ташкилот ҳозир шаҳардаги нуфузли партия ташкилотларидан бирига айланди. Чунки бу ерда ХДП Дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, партия аъзоларининг ишлаб чиқаришдаги фаоллигини ошириш йўлида изчил иш олиб борилмоқда.

Бошланғич ташкилот ва унинг котиби П. Жилкиннинг ташаббуси ва жонкуярлиги туфайли ҳар уч ойда бир маротаба «Ҳаёт муаммолари» кўп нусхали босма газета, ҳафталик «Тиғиз пайт» ва ойлик «Партия ҳаёти» деворий газеталари мунтазам чиқариб турилади. Улар орқали ташкилотнинг иқтисодий, сиёсий ҳаёти ва долзарб муаммолари кенг ёритиб борилади.

Корхонада ягона сиёсий кунлар мунтазам ўтказиб борилади. 48 нафар аъзони ўз атрофига бирлаштирган Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти билан доимий ҳамкорлик ҳам яхши самаралар бермоқда. Партия ташкилотининг сафи сўнгги пайтда асосан ёшлар ҳисобига кенгайиб бораётир.

Партия ташкилоти корхона ишчиларини ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ташаббуслар билан чиқмоқда ва меҳнат жамоаси орасида обрў-эътибор топмоқда.

ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг ижроия бюроси мазкур бошланғич партия ташкилотининг кўп қиррали ва самарали фаолияти асосида тажриба мактабини ташкил этиш ва уни бошқа бошланғич партия ташкилотлари орасида кенг оммалаштириш юзасидан табдирлар белгилади.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сирдарё вилояти. Бу ерда ишлаб турган гўшт маҳсулотлари цехи вилоят меҳнаткашлари дастурхонига турли - туман қази ва колбаса маҳсулотларини етказиб беради. Бу корхона Сирдарё вилоят матлубот жамияти бирлашмасига қарашлидир. Фақат шу йилнинг ўтган ойлари ичида 17 хил маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Германиядан келтирилган дасттоҳлар ўрнатилганлиги туфайли бир кеча-кундузда 1,6 тонна гўшт қайта ишланаётир.

Цехда бор-йўғи 7 киши меҳнат қилади. Лекин уларнинг ҳаммаси ўз ишининг устаси. Ўтган йили цехда 172 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Маҳсулот сифатига эса аҳолидан ҳеч қандай эътирозлар бўлгани йўқ.

СУРАТДА: цех лаборанти Илона Баранова маҳсулот сифатини диққат билан кўздан кечирмоқда.

Б. ТЎРАЕВ. (ЎзА) олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

БОШ КОТИБНИНГ АХБОРОТИ

БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Москвага қилган ташрифи ҳақида Хавфсизлик Кенгашига ахборот берди. Ташриф давомида у Россия Президенти Борис Ельцин ва ташқи ишлар вазири Андрей Козирев билан учрашиб, Тоғли Қорабоғ, Абхазия, Тожикистон, шунингдек собиқ Югославияда юзага келган вазиятни муҳокама этди.

МАЖЛИС ЎТКАЗИЛДИ

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Босния ва Герцоговинада юзага келган вазиятни муҳокама қилиш учун мажлис ўтказди. Унда Сараеводаги ҳарбий ҳаракат ва тинчликни сақлаш кучларига ҳамон ҳарбий иғвогарлик қилинаётгани кенгаш аъзолари томонидан қораланди, деди Хавфсизлик Кенгаши раиси Жан-Бернар Мериме.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

АҚШ ва Венгрия мудофаа вазирлари икки мамлакат ўртасида ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди. Ушбу ҳужжатга кўра, мамлакатлар ҳаво ҳужуми мудофааси, ядровий, кимёвий ва бактериологик ҳужум оқибатларини бартараф этиш бўйича биргаликда тадқиқотлар ўтказади.

МЎҒУЛИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

«Мўғулистон Осиё—Тинч океани ҳудудида хавфсизлик тизимини ташкил этиш ҳақидаги РоссияФедерациясининг ғоясини қўллаб-қувватлайди», — деди Мўғулистон мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари генерал-майор Церенбалжидин Дашзэвэг. Шунингдек у, Россия Федерацияси билан Мўғулистон қуролли кучлари ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ўрнатилиши лозим, деб айтди.

ЕРОСТИ СИНОВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қирғизистон ташқи ишлар вазирлиги Хитойда ўтказилган ядровий синов юзасидан баёнот берди. Унда Хитой ерости ядровий синовлари ҳамон тўхтамаётгани боис ташвиш билдирилган.

РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Хорватияга нисбатан бир овоздан резолюция қабул қилди. Унда Хорватия ўз қўшинларини Серб Краинаси ҳудудидан дарҳол олиб чиқишни ва серб аҳолисининг инсоний ҳуқуқларини поймол қилмасликни талаб қилди.

РАСМИЙ САФАР

Куба ташқи ишлар вазири Роберто Робайанинг МДҲ давлатларига расмий сафари бошланди. У Украина, Россия Федерацияси ва Белоруссга ташриф буюради. Мазкур ташриф Куба ташқи ишлар вазирининг СССР парчалангандан сўнг МДҲга қилган дастлабки сафаридир.

УНИТА РАҲБАРИ МУЗОКАРАГА ШАЙ

Жанубий Африка Республикасига амалий сафар билан келган Ангола мухолиф гуруҳи — УНИТА раҳбари Жонас Савимби мамлакатда барқарор тинчликни ўрнатиш учун Ангола ҳукумати ва БМТ билан музокара олиб боришга тайёр эканини билдирди.

САММИЙ УЧРАШУВ

Қирғизистон пойтахтида Япония маданий маркази очилди. Ана шу муносабат билан Президент Асқар Акаев Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги вице-президенти Киеши Сато билан учрашди. Учрашувда Қирғизистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

СЕНАТ АЪЗОСИ МАМНУН

АҚШ сенати аъзоси Томас Дэшл Президент Билл Клинтоннинг Москвага сафаридан қониқиш ҳосил қилганини айтди. «Москвадаги музокаралар чоғида талай масалалар ўз ечимини топмаган бўлсада, баъзи бир силжишлар руй берди», деди у журналистлар билан учрашувда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЎРОҚДА БОР, БОШОҚДА БОР ХИРМОН КЎТАРАР

Ўроқда йўқ, бошоқда йўқ — хирмонда ҳозир, деган нақлни шерободликлар эндиликда ўзгартириб, шу тарзда ифодаламоқдалар.

Арифметика — энг оддий, аниқ, қисқа ҳукм: Туманнинг ғаллазорлар — 18 минг гектар (учдан бир қисми — лалми). Комбайнлар — 40 та. ҳаммасини пишиқчилик палласи кечакундуз тиндирмай ишлатамиз дегани — ривоятга яқин гап. Бир комбайн билан кунига ўртача 5-6 гектар ғаллани ўрса бўлади деб бош қашилаб турган билан...

Хўш, нима қилиш керак?

Бу саволга туман ҳокими Хушбоқ Пайғамов ҳам арифметик йўл билан жавоб қилди, қишлоқ устахоналарида ҳозир ўроқ ясаляпти. 8 минг одам буғдой ўримга чиқади (Бу пахта теримига сафарбар қилинганлардан кам эмас). Ғаллакорларнинг хонадонлар билан шартномаси ҳозирдан тайёр. Иш ҳақига маҳсулот берилади: ё ғалла, ё сомон. Буни эшитиб, шаҳарликлар ҳам номларини шартнома рўйхатига ёздирмоқдалар.

Ўроқчилар ғалла ўрими мавсумини икки бараварига қисқартиришлари мумкин. Буғдойнинг жойига такрорий деҳқончилик қиламан деганларга, бу - катта имконият.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОТИБ ОЛАДИ:

— Дастгоҳлар /янги ёки ишлатилмаган/;
— координатли йўнувчи;
— токарлик;
— фрезерлик;
— пармалаш;
— гильотинлар /жоду/.

[redacted]

— В-800 мм. транспортёр лентаси;
— механик юк кўтаргич /қўлда/;
— ВДМ-100/У3 пайвандлаш тўғрилагичи;
— ВД-20/У3 пайвандлаш тўғрилагичи;
— [redacted]П 6-45 №8 парраги;
— [redacted] 4-76 №10 парраги;
— [redacted]С-60-250 насос тўплами;
— 1136-В2 турдаги оддий ҳаракатланувчи бир босқичли ҳаво поршенли кўчма компрессор.

Воситачилар /жисмоний ва юридик шахслар/ хизмати учун ҳақ тўланади.

Телефонлар: соат 8[00] дан 17[00] гача 93-08-47, соат 18[00] дан 21[00] гача 67-20-79.

Мулоҳаза ва таклиф

СУПЕРМАРКЕТ НИМА?

Супермаркетлар чакана савдо корхоналарининг турлари узоқ ривожланиши натижасида пайдо бўлди. Натижада бозор ва магазинларнинг турли шакллари вужудга келган, ривожланиб, сўнг йўқолиб кетиб, ўрнига корхоналарнинг янги турлари пайдо бўлган. Бу соҳа мутахассисларининг кўпчилиги замонавий супермаркетларнинг яратилиш куни 1932 йил 8 декабрь деб ҳисоблайдилар. Шу куни Нью-Джерси штатидаги Элизавет шаҳрида «Биг-Биар» («Улкан айиқ») йирик супермаркет очилди.

Ўшанда бу йирик дўкон ўз-ўзига хизмат қилишга асосланган бўлиб, унда турли-туман озиқ-овқатлар катта ҳажмда сотилди. Бунда энг муҳим янгилик ' ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули бўлган. Натижада бу усул товарларни оммавий сотишни ташкил қилиш ва савдо ҳажмини юқори даражага етказишга имкон берди.

Супермаркет, ўша илк кезларда автомобиль заводи биносида жойлашган бўлиб, 4640 квадрат-метр майдонга эга эди. Энди тасаввур қилиб кўринг. Фақат битта бақоллик—савдо бўлимининг майдони 1400 квадрат-метрга тенг бўлган!

Демак, бундай катта дуконда нафақат харидорларга, балки савдо ходимларининг ўзларига ҳам турли товарлар ичида кераклисини танлашга ёрдам бериш зарурати туғилди.

Шундай қилиб, биринчи ана шундай янги турдаги дўконда мол ва товарларнинг кўрсаткичлари ва хабарномалари пайдо бўлди. Ушбу биринчи супермаркетнинг кўпчилик харидорлари ўз автомобилларига эга эдилар. Шу боисдан улар магазинга автомобилда келардилар. Бу ҳам бир янгилик эди. Супермаркет қошида катта автобекатлар ташкил қилинди. Бундай қулайликлар 80 чақиримгача узоқликдаги жойлардан харидорлар келишига ва уларнинг катта ҳажмда товар харид қилишига олиб келди.

Кассирларнинг меҳнат унумдорлиги ошиб борди. Натижада фаолиятнинг биринчи йилидаёқ «Улкан айиқ» 4 миллион доллар оборотга эришди. Фойда эса 165 минг доллардан ошди. Шундай қилиб, чакана нархларни пасайтиришга имкон туғилди.

Олтмишинчи йилларнинг бошига келиб супермаркетларнинг муқобил ўртача катталлиги аниқланди. Аксарият магазинларнинг майдони 1500-1900 квадрат-метрга тенглашди. Штатда супермаркет бўлмаган шаҳарлар ва қўрғонлар қолмади. **Рақобат эса ортгандан-ортди: янги бўлимлар очишни, молларни оммавий равишда пештахталарга қўйишни талаб қилди. Савдо бўлимларининг товар билан тўлиб кетиши харидорлар учун ҳам, сотувчилар учун ҳам кўплаб қулайликлар туғдирди. ЭҲМлар жалб қилинди. Чунки магазинлардаги ҳар бир товарни жойлаштиришга мўлжалланган майдон ЭҲМда моделлаштириш усули билан мақбуллаштирилди.**

Ортиш-тушириш ва транспорт ишларини механизациялаш воситаларининг янги ва мукаммал турлари тобора кенгроқ қўлланилди. Ясси ва қутилик тагликлар, таглик-жиҳозлар, юк аравачалари ва контейнерлар супермаркетингнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Етмишинчи йилларнинг бошига келиб супермаркет ривожланишда давом этди. Бу йилларда Шимолий Американинг Монреаль шаҳрида биринчи ўта катта супермеркет очилди. Унинг савдо майдони 24 минг квадрат-метрни ташкил этди. Ўта катта ушбу супермаркетда товарлар хили янада кенгайтирилган ва бойитилган эди. Хизмат кўрсатиш усуллари янада такомиллашган, нархлар эса пасайтирилган эди.

Супермаркетларнинг ўртача майдони ошиши билан уларнинг ассортименти ҳам кенгаймоқда. Ҳозирги даврда бу 25 мингдан ортиқ товар номларини ўз ичига олади. Айни кезда бундай усул Оврўпо давлатларида ҳам муносиб ўрин топди. Ўта катта супермеркетлар, айниқса, Олмонияда кенг тарқалди. Туркия, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия ва бошқа давлатларда ҳам бундай магазинлар ривожланмоқда. Хизмат кўрсатиш доираси кенг — замонавий реклама ва дизайндан фойдаланишга ўтган.

Бундай супермаркетларда тез бузиладиган товарлар савдоси устивор ўринни эгаллайди. Уч соатдан сўнг сотилмай қолган сут маҳсулотлари, бир соатдан сўнг сотилмаган сабзавот ва мевалар бошқа дўконларда пасайтирилган нархларда сотилади.

Бизнинг республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш даври дўконлар ихтисослашувининг вақтинчалик бузилишига олиб келди. Шу сабабли савдо тармоғини ривожлантиришни ишлаб чиқмоқ ва уни занжирли фирмалар шакли бўйича тартибга солиш ҳозирги даврда мақсадга мувофиқдир.

«Супермаркет» занжирли фирмаларини вилоят матлубот уюшмалари қошида тузиш, шу мақсадда туманларда универсал ва бошқа йирик дўконларни қайта жиҳозлаш эътиборга лойиқ. Қайта жиҳозлашдан мақсад — дўконларни 90-йилларнинг савдо маданияти савиясига етказишдир. Қишлоқ супермаркетларининг савдо майдони 400-1000 квадрат-метр, ўртача майдони эса 700-800 квадрат-метрни ташкил қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Матлубот кооперацияси супермаркетлари асосан тез бузиладиган озиқ-овқат товарлари, сабзавот ва меваларни таклиф қилишга даъватланган ва нархларни пасайтиришга ҳамда камайтирилган савдо тушумларини қўллашга асосланади. Бундай имконият муқобил технологияни қўллаш ва товар ҳаракатининг барча харажатларини камайтириш натижасида туғилмоқда. Демак, супермаркетлар усули тезроқ жорий этилса, ўзининг савдо базасига эга бўлади. Товарларни марказлашган равишда келтиришни амалга оширади. Бундан ташқари оилавий савдо фирмаларининг тажрибаси кўрсатадики, улар товарларни дўконларга етказиш учун ўзининг транспорт воситаларига эга бўлишлари зарур.

Яна шуни айтишимиз керакки, супермаркетларни лойиҳалаштиришда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш асосий талаблардан биридир. Масалан, кооператив супермаркетлар учун кундалик эҳтиёж молларини пасайтирилган нархларда сотиш, автобекат, чойхона ёки кафетерийни лойиҳалаштириш шарт деб ҳисоблаймиз. Бу эса супермеркетлар доирасида фермерлик бозорларини, турли ярмаркалар ташкил этиш муаммоси ечимини топишга олиб келади.

Р. ЮНУСОВА, профессор, Ш. МУСАЕВА, иқтисод фанлари номзоди, Н. ФАЙЗИЕВА, илмий ходим.

"ЭМАЛЬ"

ОЧИҚ ТУРДАГИ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ПФ-115 оқ, зангори, пистоқи, фил суяги рангидаги эмалларни;
ПФ-266 пол учун эмални

СОТАДИ

Бўёқ идиши қайтариб олинмайди.

Чек ёки аккредитив бўйича ҳақ тўланади.

Тошкентдан харидорнинг ўзи олиб кетади.

Манзилимиз: 700073, Фарғона йўли кўчаси, 3-тор кўча, 73-уй.

Телефонлар: 34-24-57, 67-77-57, 68-53-88, 91-56-20.

ЭКСПО — ПОКИСТОН — 95 — ТОШКЕНТ



ПОКИСТОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИНИНГ БОШ ВАЗИРИ МУҲТАРАМА БЕНАЗИР БХУТТО ХОНИМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИНИ ЧИН ҚАЛБДАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



ПОКИСТОН ТОВАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛГАЙСИЗ!

КЎРГАЗМА 1995 ЙИЛ 22 — 27 МАЙ КУНЛАРИ "ТУРКИСТОН" САРОЙИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

КЎРГАЗМА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ранг-баранг ассортиментдаги маҳсулотлар тавсия этилади:

Саноат товарлари, пахта, калавалар, тўқимачилик ва полиэстрол газламалари, тикилган кийимлар, пайпоқ буюмлари, сочиқлар, спорт моллари, хирургия асбоблари, косметика, тамаки ва сигареталар, гуруч, озиқ-овқат неъматлари, ёғочдан ишланган мебеллар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари.

Кўргазма эшиклари ҳаммма учун очиқ.

Ишбилармон кишиларни Покистон Ислом Республикасининг тижоратчи бизнесменлари, тадбиркорлари билан шартномалар тузишга таклиф этамиз.

ЕРВ

Покистон Хукумати Экспортни ривожлантириш бюроси Покистоннинг Тошкентдаги элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ҳамкорликда уюштирилган кўргазма

манзилгоҳи:

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, "Туркистон" саройи.

Мурожаат учун телефонлар: 77-14-42, 77-10-03, 77-32-72.

Ёднома

ҚЎШИҚЛАРДА ЯШАЙДИ НОМИ

Яқинда Тошкентда пойтахтимизнинг адабиёт, маданият ва матбуот вакиллари жамоатчилиги таниқли қўшиқчи шоир ва журналист, жамоат арбоби Акмал Пўлат таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган хотира кечасига тўпландилар.

Шоирнинг қариндош-уруғлари, яқинлари, ҳамкасблари, адабиёт ва санъат мухлислари ташриф буюрган бу йиғилишда дўстларининг дил сўзлари, хотиралари изҳор қилинди, таниқли хонандалар ижросида Акмал Пўлат қўшиқлари янгради.

Мен Акмал аканинг адабиётимиз ва матбуотимиз ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси, «Камбағал деҳқон», «Ёш ленинчи», «Ўқитувчилар газетаси», «Маданий инқилоб», «Коммуна», «Қизил Ўзбекистон» ва «Сирдарё ҳақиқати» газеталари, «Муштум» журналида қилган ижодий фаолияти ҳақида тўла гап очмай, фақат бир-икки оғиз дил сўзларини баён этмоқчиман.

Тақдир мени Акмал ака билан 1947 йили «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига ишга келган пайтимда таништирди. У киши газета бош муҳаррири Шароф Рашидовнинг ўринбосарларидан бири бўлиб ишларди, айни вақтда саноат, қурилиш ва транспорт бўлимини бошқарарди.

«Қизил Ўзбекистон»да ишлаб юрганда бир қизиқ воқеани айтиб берганлари эсимда. «Ёш ленинчи» газетасининг 1934 йил саҳифаларини варақласангиз, ғалати бир хабарга кўзингиз тушади. Газетанинг тўртинчи саҳифасида йирик ҳарфлар билан «Қишлоқ мухбири Холбек Ёдгоров диққатига» деган эълон берилган. Унда ушбу эълонни ўқишингиз биланоқ кўч-кўронингизни ортиб, тезда Тошкентга етиб келинг. Сизни ишга қабул қиладиган бўлдик», деб ёзилган. Бу эълонни газетанинг бош муҳаррири бўлиб ишлаган Акмал Пўлатнинг ўзи ёзган экан.

Акмал ака муҳаррирлик қилган 1932-1935 йиллари «Ёш ленинчи» редакцияси жуда кўп ёш журналистларга газетачиликнинг катта даргоҳига чиқиб олишида ажойиб мактаб йўлини ўтаган десак муболаға бўлмас. Республикамизнинг таниқли журналистлари Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Абдулла Лутфуллаев, Фаттоҳ Гаврилов, Шоира Ўтаева, Башорат Гулмуҳамедовалар Акмал Пўлат билан шу газетада бирга ишлаганлар.

Холбек Ёдгоров «Совет Ўзбекистони» газетасининг 50 йиллик юбилейига бағишлаб 1968 йили чиқарган «Нурли йўл» китобида шундай ёзган эди: «Менинг «Ёш ленинчи» редакциясига ишга келишим, аслини олганда журналистик кўчасига киришим Акмал ака туфайлидир».

Акмал Пўлат ижодида сатира ва юмор, ҳажвий ҳикоялар, шеърлар, латифалар, памфлетлар, фельетонлар алоҳида ўрин тутади. 1955-1961 йиллари ўзи муҳаррирлик қилган «Муштум» журналининг деярли ҳар бир сонида унинг ҳажвий асарлари чиқиб турарди. «Тил бошқа-ю, дил бошқа», «Хизматга туҳмат», «Узун тил», «Фитна ўлдирди», «Жон талвасаси», «Қора юраклар», афсонавий ҳикоя асосида усталик билан ёзилган «Туҳмат ва Илон» каби фельетонлари фикримизнинг далили бўла олади. «Муштум» кутубхонаси» туркумида босилиб чиққан «Қилпиллама», «Такасалтанг», «Севмаганга суйкалма» тўпламларига унинг асосий ҳажвий асарлари киритилган.

Акмал Пўлат янгидан ташкил этилган Сирдарё вилоятининг «Сирдарё ҳақиқати» газетасида муҳаррир бўлиб ишлаганида ўзбек халқининг қўриқ очишдаги меҳнат жасоратини, бу ишда фаол қатнашаётган қон-қардош турли миллат вакиллари — марду майдон чўлқуварларни улуғлади.

Ўзбек адабиёти ва маданиятининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири, журналистика ва қўшиқчилик соҳасида ўчмас из қолдирган Акмал Пўлат ижодининг ярим асрлик якуни республикамиз нашриётлари томонидан чоп этилган 27 китобида жам бўлган. Минг афсуски, Акмал ака ўзининг 70 йиллигини нишонлашга бир ойча қолганда, ижод гулшанида жавлон уриб, янги қўшиқлар яратаётган кунларда тўсатдан ҳаётдан кўз юмди. Илойим, охиратлари обод, руҳлари шод бўлсин. Дилкаш дўст, жуда зийрак ва зукко ижодкор, ёшларнинг меҳрибон мураббийси, катта оиланинг сарбони бугун орамизда бўлмаса ҳам адабиётимиз ва журналистикамизнинг бой меросига айланган унинг асарлари биз билан бирга яшамоқда ва курашмоқда.

Зиёд ИСЛОМ ўғли.

Табиат ва инсон

ПСКОМ СУВ ОМБОРИ КЕРАКМИ?..

Халқимизда қадим-қадимдан қолган бир қўшиқ бор. «Билмайин босдим тиканни...». Бу қўшиқни ҳар гал тинглаганимизда ҳаётда йўл қўйган хато-камчиликларимиз, билиб-билмай қилган ножўя ишларимиз ва шунинг оқибатида қалбларимизда муҳрланиб қолган бир умрлик армон юзага қалқиб чиқади, афсуслантиради. Аммо кейинги пушаймондан ҳеч қандай наф йўқ, чунки бўлар иш бўлиб ўтган, вақтни орқага қайтаришнинг эса иложи йўқ...

Чорвоқ сув омбори қурилиши бошланганда фақат яхши гаплар айтилган, кўнгилларни шодлантирувчи ваъдалар берилган эди. Қурилишлар тугаб, натижалар сарҳисоб қилинганда фойда эмас, қони зарардан бошимиз чиқмай қолганлиги маълум бўлди. Энг аввало шуни рўй-рост тан олиш керакки, сув омбори қурилиши оқибатида кўркам Бўстонлиқ боғрига ҳеч қачон тузатиб бўлмайдиган зарба урилди. Улкан тўғонларни тиклаш мақсадида ўпириб ташланган даҳшатли «яра»лар Чорвоқ, Хўжакент, Ғазалкент каби қўрғон, қишлоқ ва шаҳар атрофларида ҳамон мудҳиш қиёфа касб этиб ётибди. Қолаверса, Бўстонликдаги сув омборларининг атрофмуҳитга, ҳаётимизга келтираётган битмас-туганмас зараларни, хавф-хатарларни олимлар аллақачон исботлаб берганлар.

Буларни нафақат олимлар, бугунги кунда оддий кишилар ҳам жуда яхши биладилар. Чунки юқори қишлоқларнинг аҳолиси сув омборлари дастидан қум-тупроқ тўзонлари остида яшаб келди, тоза сув ичиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида сув омборлари келтирган азобдан тўлганиб ётган Бўстонлиққа мадад бериш, унинг яраларига малҳам қўйиш ўрнига яна бир «янги» гап кўтарилдию, қалбларимиз зирқираб кетди. Қадимда билмай босган бўлсак,энди кўра-била туриб яна тиканни босмоқчимиз! **Гап шундаки, Чирчиқ дарёсининг энг кўп сув билан таъминлаётган тармоқларидан бири Пском дарёсида каттакон сув омбори қурилармиш!**

Тўғри, бу янгилик эмас, бир пайтлар кун тартибига қўйилган масала эди. Атрофмуҳит соғломлиги учун жон қуйдирувчи фидойи инсонлар бу масалани кўтарганларга ўз вақтида жавоб бериб, Бўстонлиқ жонига оро кирган эдилар. Ўша пайтда тинчиб кетган ғаламисларнинг боши тоза янчилмаган экан шекилли, қулай пайт бойлаб яна ғимирлаб қолибди. Агар Чирчиқ дарёсининг юқори ўзани бўлмиш Пском дарёсида шу сув омбори тикланадиган бўлса, 1500 гектардан зиёд энг кўркам манзарага эга жойлар бутунлай сув остида қолиб кетади. Кошки эди бу шу билан тугаса! Сув омбори қурилиши давомида 61 миллион куб-метр тупроқ ишлари, 600 минг куб-метр темир-бетон ва асфальт ишлари бажарилади. Ташиладиган асосий юкларнинг салмоғи 2 миллион 106 минг тоннани ташкил этади. Умумий саҳни 50 гектарни эгаллайдиган бешта ўпқон «яра»лар очилади ва улардан беҳисоб тупроқ-шағаллар ковлаб олинади. Дарёнинг сўлим қирғоқлари турли-туман майдалаш ва саралаш ташкилотлари каби хилма-хил ишхоналарга тўлдириб юборилади.

У жойларга режадаги салкам ўн минг нафар одам кўчиб келиб яшайдиган бўлса, Бўстонлиқ табиатининг ҳолига ҳатто маймунлар ҳам йиғлайди, деяверинг!.. Чунки осмонўпар икки тоғ оралиғидаги гўзал бу маконда ғужғон урадиган ҳаётнинг беҳисоб чиқиндилари ва иркит оқаваси тўппа-тўғри Пском дарёсига келиб тушаверади. У ердан бошлаб то шаҳри азим Тошкентгача, Тошкентнинг ўзида ва Тошкентдан сўнг Сирдарёгача оралиқда яшаётган аҳолини қўланса сув билан таъминлайверади. Айтинг-чи, шундай ҳолга йўл қўйиб бўладими?!

Бу каби оғир вазиятга тушиб қолган кезларимизда юртбошимизнинг «Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир», ёки «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», каби таъсирчан, чуқур мазмунли кўрсатмалари барчамизга умид, куч-қувват бахш этади ва эзгу ишларни амалга оширишда таянч бўлади, албатта. Аммо ҳозирги аҳволни кўра-била туриб, ўзларини кўрмаганга солувчи айрим содда-муғомбирлар ҳамон сувни бошдан лойқалатишга уринмоқдалар. Ундайлар оддий бир ақидага ҳам риоя қилмайдилар. Яъни ишни бошлашадию, охирига етказмай чала ташлаб кетаверишади.

Ўлда-жўлда қолиб ётган шундай ишлар Бўстонлиқнинг ҳамма жойида учрайди. Масалан, сув омбори қурувчиларига бевосита тааллуқли хунук бир манзарани олиб кўрайлик. Маълумки, Чирчиқ дарёсида сув омборларини бунёд этиш баҳонасида Бўстонлиқнинг аҳолиси анча кўпайди. Ғазалкент шаҳрида, Чорвоқ сув омбори ёнбошида янгидан пайдо бўлган Чорвоқ қўрғонида қаторқатор кўп қаватли уйлар қурилган. Аҳоли ортиб борган сайин Чирчиқ дарёсига оқиб тушаётган ифлос оқовалар, чиркин чиқиндилар ҳам шунчалик кўпаяверади. Охир-оқибатда Чирчиқнинг ичимлик сувини тозалаб беришга аввалги сув тозалагичларнинг қурби етмай қолади. Натижада қўрғон ва шаҳарлар аҳолиси истеъмол қилаётган сув сифати кескин ёмонлашганлиги туфайли Чорвоқ сув омбори атрофидан катта қувурлар тортилиб, дарёнинг ифлосланишига йўл қуймаслик режаси тузилади ва ишга киришилади. Афсус, маблағ йўқлиги баҳонаси билан бу қурилиш ярмига ҳам бормай тўхтаб қолди.

Шу ўринда сув омбори қурувчиларига ҳақли бир савол туғилади:Ўзингиз ифлослатириб адойи-тамом қилаётган Чирчиқ дарёсини тозалашга неча йилдан бери маблағ топилмай ётган бир пайтда пухта ўйламай туриб яна бир ишни бошлаш зарурми? Шу Пском сув омбори қуриб битказилган тақдирда шундоқ ҳам булганиб ётган Чирчиқ дарёсига ҳар кечакундузда яна 7-8 минг куб-метр ифлос оқава оқизилса, кейин ҳолимиз не кечади?.. Ундан кўра, қўлингизда шунақа катта маблағ бор экан, 1986 йилда бошланиб, 1991 йилдан буён тақа-тақ тўхтаб ётган улкан канализация қурилишини охирига етказиш учун ёрдамлашсангиз бўлмасмикан?

Сув омбори қурувчилари бошлиқларига бу ҳол ойнадек равшан, албатта. Неча-неча миллионлар сарфлаб юборилган бу канализациянинг қувурлари уларнинг кўз олдиларида кўп йиллар давомида ҳар жой-ҳар жойларда оғизлари осмонга очилиб ҳайрон бўлиб ётибди. Юсуфхонадан Хўжакентга уланувчи «Бақачўл», яна «Чимён» — «Бақачўл» канализация тармоқлари битказилса, Чорвоқ — Ғазалкент катта қувурлари Қибрай ҳудудида ажратилган майдонгача олиб борилса, «Оқтош» — Хондайлиқ ҳудудидан оқиб тушувчи канализация қувурлари унга уланиб юборилса қанчалар соз бўларди-я. Созлиги шундаки, биринчи галда Чорвоқ сув омборидан бошлаб Сирдарёгача яшаётган аҳоли тоза ичимлик сув ичиш имкониятига эга бўларди.

Аслида сув омбори қурувчиларининг ўзбошимчалик билан Пском дарёсида тўғон тиклашга киришишга, бир томондан, ҳаққи ҳам йўқ. Чунки давлатимиз қабул қилган махсус қарорга биноан Ўгам — Чотқол давлат табиат миллий боғи 1992 йил бошидан буён расмий равишда ишлаб турибди. Навбатдаги тўғон қурилиши мўлжалланган Пском дарёси ўзани ҳам шу умумий саҳни 574,6 минг гектарни қамраб олган миллий боғ бағрида жойлашган. Аммо, шунга қарамай, ўзларича режа тузиб, ўзларича ҳаракатга тушиб қолган сув омбори қурувчилари раҳбарларига: «Шўрлик Чирчиқни тинч қўйинглар, дарёни бошидан булғатманглар!» десак, улар унчалик хафа бўлишмас.

Нажмиддин БОБОЖОНОВ,
Ўгам-Чотқол давлат табиат миллий боғи директори.
Асад АСИЛ,
ёзувчи.

Таҳририятимиз ушбу мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини билдириш учун уни Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига юборган эди. Қуйида вазирнинг жавоб хатини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

— Авваламбор, фикримизни билмоқчи бўлиб, мақолани жўнатганингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Биринчидан, ҳар ким ўзича ҳақ. Ўйлайманки, бу мақола муаллифлари ҳам. Нега деганда улар ўзларининг манфаатларини кўзлаб эмас, табиатимизнинг, юртимизнинг, ватанимизнинг келажаги ҳақида қайғуриб ёзганлар. Шу билан бирга ҳар бир инсонга ўзининг дарди мамлакат дардидай туюлиши ҳам табиий бир ҳолдир.

Мен ҳозир Пском сув омбори керакми, керак эмасми, буни аниқ айтолмайман. Нега деганда барибир, чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин, деган нақлга амал қилиб, бу масала мутахассислар томонидан албатта ҳар тарафлама синчиклаб, кейин керак бўлса, юз минг марталаб ўрганиб чиқилиши керак. Қанчалик жонкуяр бўлмасин, бир одам барибир бир кишидир ва фойда-зарарни қандай бўлмасин ўзича улчайди ва бошқа томонларни билмаслиги ҳам мумкин. Курсатилган камчиликлар балки тўғридир. Лекин сувни ифлослаш, ахлат ташлаш, дарёнинг ўзанини канализация тармоғига айлантириш каби иллатларнинг сабаби бизда асрлар давомида сувга нисбатан таркиб топган урф-одатларнинг, маданиятнинг барбод булганидир ва уларни Чорвоқ сув омбори қурилгани билан боғлаш, ўйлайманки, нотўғри бўлар. Сувга тупуриш гуноҳи азим эканлигини ҳамма унутсин, сувга яхши муносабатни, меҳр-муҳаббатни йиғиштириб қўйсин, деб балки бу ҳақда ҳеч нарса эълон қилинмагандир.

Негаки, агар озгина бўлса-да тарихни яхши билган кишилар билсалар керак, бундан минг йиллар олдин ҳам сув ҳовузлари, каттакичик тўғонлар қурилган, одамлар булоқдан сув ичганлар, лекин ҳозирги булаётганидай, ҳеч ким булоқни булғамаган ва заҳарламаган.

Ҳақиқатан ҳам бу аҳволга ачинган кишилар ўтган ишга саловат деб қарамасдан, бор куч-ғайратларини юқорида айтилганларга сарфласалар, балким ўзлари ҳам, жамиятимиз ҳам кўпроқ ютармиди? Нега деганда сувга муносабатнинг ёмони ҳам, яхшиси ҳам бизники, ғапирсак гап кўп, лекин гап билан иш битмайди.

Халқимизда сувга, ерга меҳр-муҳаббат туйғуларини қайта уйғотиш керак, токи ғудакларимиздан бошлаб тарбияни тиклашимиз керак. Чунки ҳеч ким бизга ташқаридан келиб буни ўргатмайди. Агар сўзни мухтасар қилиб, Чорток сув омборига қайтсак, шу сув омборининг қурилиши бошланганида Чирчиқнинг сувини ичиб турган аҳолининг сони 1 миллион киши атрофида эди, бугунги кунда 4 миллиондан ошди. Сув омбори йўқлигида Чорвоқдан бошлаб Сирдарёга қуйилгунча ҳар йили 2-3 ой давомида бутун вилоят Чирчиқ дарёсининг офатлари билан курашар эди, сув тошқинларидан қочишдан бошқа чиқмас эди. Сув омбори қурилгандан сўнг ўрта ҳисобда юртимизда салкам 170 минг гектарга яқин янги ерлар қўшилди ва ҳозир бир миллиондан зиёдроқ одамлар шунинг ҳисобидан кун кечирмоқдалар. Дунёда энг тоза ёқилғи бу — гидроэнергия ҳисобланади. Нега деганда тутамайди, сасимайди ва атрофни қора тутун билан заҳарламайди. Шу Чорвоқ ва қуйида жойлашган бошқа қатор ГЭСлар ҳисобидан миллион-миллион тонналаб кўмир, мазут ва миллиардлаб куб-метр газ ёқилмади ва атроф-муҳитни заҳарламади. Бундай катта иншоотлар албатта ҳеч қандай ҳисоб-китобсиз, асослашларсиз қурилмаган. Булардан Пском ГЭСи қурилиши албатта керак, деган фикр келиб чиқмайди. Фақат Чорвоқ ГЭСининг фойда берган томонлари ҳам бор, дейиш учун уларни эслаб ўтишни лозим топдим.

Пском сув омборига қайтсак, юқорида айтганимдек, бу албатта жуда муҳим масала ва уни иложи борича чуқур ўрганмасдан, умуман бу масалага яқинлашиш ҳам мумкин эмас, негаки ҳақиқатан ҳам даре ўзанлари бизнинг ватанимизнинг бебаҳо бойлиги ва ҳар бир чақиримини келажакка имкони борича мусаффо асраб қолишлик шу ернинг фарзандиман деган ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

Р. ГИНИЯТУЛЛИН,
Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазири.

Ёшлар анжумани

ИЛМ — ТАРАҚҚИЁТ

Қадимий Самарқанд ўзига хос байрамга ҳозирланмоқда. Бу ерда 26-28 май кунлари Ўзбекистон ёшларининг «Талабалар баҳори — 95» иккинчи фестивали ўтказилади.

Ёшлар анжуманида мамлакат олий ўқув юртларининг 400 нафардан зиёд вакили қатнашиши кўзда тутилмоқда. Фестивал дастури ранг-баранг бўлиб, конференциялар, учрашувлар, «Иқбол» кўрик-танлови ва спорт мусобақаларини ўз ичига олади. Айниқса, «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг ҳал қилувчи баҳсларининг ташкил этилиши кўпчиликда яхши таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

Ёшлар анжуманининг Самарқандда ўтказилиш сабаби ҳам бор. Маълумки, фестивал илк марта Фарғонада бўлиб ўтганди. Ўшанда самарқандликлар навбатдаги фестивални Самарқандда уюштириш ташаббуси билан чиқдилар. Бугунги кунда фестивалга тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси фаол ҳаракат қилмоқда. Хусусан, анжуман билан боғлиқ ранг-баранг календар ва матбуот маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Тадбирлар эса Регистон майдонида ўтказилади. «ЭЛТЭКС» фирмаси билан «Наргиз» ҳиссадорлик жамияти ёшлар анжуманини ҳомийликка олиб, ёрдам кўрсатишга шай бўлиб туришибди.

Фестивални ўтказишдан кўзда тутилган мақсад — бой маънавиятимиз ва қадриятларимизни чуқурроқ ўрганиш, юртимизда талабалик ҳаракатини ривожлантириш, унга ташкилотчилик руҳини бағишлаш, ёшларга ижодий имкониятларни намоён этишларида шароит яратиш, соғлом авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби муддаоларни амалга оширишдан иборат. Фестивал шиорининг: «Илм, тараққиёт ва келажак!» деб юритилаётгани ҳам шундан.

Н. СУБҲОНОВ.

КЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ, ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ ОҲАНГАРОН ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА

29 МАЙ КУНИ СОАТ 11.00 ДА

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога уй-жой қурилиши ва хусусий ёрдамчи хўжалик ишларини олиб бориш учун қуйидаги ер участкалари қўйилади:

Оҳангарон шаҳрининг Қўрғон -1 кўчасидаги 4 та ер участкаси. Ҳар бир участканинг сатҳи — 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 21 минг сўм.

Қўрғон -1 кўчасидаги тўртта ер участкаси. Ҳар бирининг сатҳи — 400 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 14 минг сўм.

Қўрғон -1 кўчасидаги 4 та ер участкаси. Ҳар бирининг сатҳи — 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 21 минг сўм.

Шарқ кўчасидаги 4 та ер участкаси.Ҳар бирининг сатҳи — 400 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 14 минг сўм.

Шарқ кўчасидаги 4 та ер участкаси.Ҳар бирининг сатҳи — 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 21 минг сўм.

Репин 2-тор кўчасидаги 3 та ер участкаси. Ҳар бирининг сатҳи — 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 21 минг сўм.

Репин 3-тор кўчасидаги 2 та ер участкаси. Ҳар бирининг сатҳи — 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 21 минг сўм.

Шунингдек савдо иншоотлари қурилиши учун қуйидаги ер участкалари:

Оҳангарон шаҳар 4-кичик туманидаги 3 та ер участкаси. Ҳар бирининг сатҳи — 24 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 2 минг 472 сўм.

Тинчлик ва Навоий кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган 1 та 100 кв.метрлик ер участкаси.
Бошланғич нархи — 35 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТЛАР

Оҳангарон тумани Эйвалек қўрғонидаги 60 хонадонлик уй биноси.
Бошланғич нархи — 48 минг 320 сўм.

Эйвалек қўрғонидаги касалхона биноси.
Бошланғич нархи — 5 миллион 83 минг 110 сўм.

Тут қўрғонидаги 13-ўрта мактаб биноси.
Бошланғич нархи — 30 минг 690 сўм.

ИНШООТЛАР: "Хонобод" АЖ СА-1 омборхонаси.
Бошланғич нархи — 500 минг сўм.
"Хонобод" АЖ СА-2 омборхонаси.
Бошланғич нархи — 500 минг сўм.
"Хонобод" АЖ тара базаси.
Бошланғич нархи — 500 минг сўм.

Қурилиши тугалланмаган маиший хизмат мажмуи ер участкаси билан бирга.
Бошланғич нархи — 662 минг 852 сўм.

АРИЗАЛАР:
— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси 51, 2-қават, 82-хона. /Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида/;
— Оҳангарон туман ҳокимлигининг хусусийлаштириш бўлимида ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: Тошкент шаҳрида, /3712/ 33-38-42. Оҳангарон туманида, /264/ 52-694

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси Тўқимачилар саройи олдида доимий ишлаётган енгил саноат маҳсулотларини сотиш бўйича кўргазма-ярмаркага таклиф этади.

Сизларнинг эътиборингизга улгуржи ва чакана нархларда кенг турдаги пахтадан тайёрланган газламалар, шойи газламалар, замонавий трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари, пойабзаллар, атторлик, пайпоқ ва чинни корхоналари маҳсулотлари, тикув иплари таклиф этилади.

Бундан ташқари ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларга, уларнинг қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчиликнинг қандай шаклида эканлигидан қатъи назар, хом-ашё ва материаллар таклиф этилади.

Баҳолар бозор нархларига нисбатан арзон

Ярмаркада "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари қатнашмоқда.

Сизларни ҳар куни эрталаб соат 9.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, Тўқимачилар саройи.

Маълумотлар учун телефонлар: 39-10-53, 39-13-49 | Йўналиш : Бобур номли истироҳат боғи.

Tabani GROUP OF COMPANIES

ЯШАСИН ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН ДЎСТЛИГИ !



"Табани групп оф компаниз" Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ва Покистон Ислом Жумҳуриятининг Бош вазири Беназир Бхуттони бугунги кунда Осиё қитъасида вужудга келаётган янги халқаро муносабатлар билан муборакбод этади ва бу олижаноб ишга қўшган ҳиссалари учун уларга миннатдорчилик изҳор қилади.

Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат муносабатларини ривожлантиришда янги даврдир. Бу учрашув Буюк Ипак йўлидаги икки улуғ халқнинг иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантириш ниятида дунё ишбилармонлари олдига қўяётган вазифаларни бажаришда "Табани групп оф компаниз" астойдил бел боғлаб хизмат қилади.

700100, Тошкент, Миробод кўчаси, 158-уй, ("Табани корпорейшн"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Табани — Тошкент шўъба корхонаси, "Венус", "Башанг-Табани" қўшма корхоналари,"AEROASIA" авиакомпанияси).

Муҳаммад Аббос ХОН
"Табани корпорейшн"нинг Ўрта Осиё бўлими Бош бошқарувчиси

Телефонлар: 54-06-70, 55-35-49, 54-07-98; Факс: 54-08-30; Телекс: 116416 TBANISU

Саҳна ортидаги учрашув

УЙИДАН ТИЙИН ОЛМАГАН ЙИГИТ

ёки қизиқчи Собит Асомов билан суҳбат

Хонага ҳарбий кийимда... Собит Асомов кириб келса буладими. Тўртта юлдузчаси бор-а!.

— Хизматчилиқ, — дейди у ажабланганимизни кўриб. —Уч йил буляпти, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар Бош бошқармасининг «Турон юлдузлари» ансамблидамиз. Укам Обид, Мирза Холмедов, Нуриддин Ҳайдаров, Равшан Комиловлар ҳам уша ерда. Таклиф қилишганди, бордик. Қолаверса, ўзимиз ҳам қизиқдик-да.

— **Илгарилари «Телеминиатюра», «Экран хандаси» кўрсатувлари бўларди. Энди эса... Нима, ҳажвчилар ёзмай қўйишдими ё ижрочиларнинг ҳафсаласи йўқроқми?...**

— Илгарилари «мавзу» тайин эди, сизга айтсам. Ошхонага кирсангиз ҳам ҳеч бўлмаганда битта камчиликни топардингиз. Ҳозир ҳаммаси кооператив ё хусусий. Кейин шу Саид Аҳмадга ўхшаб «портлатадиган» ёзувчилар ҳам йўқ ҳисоб-да.

— **Ўзингиз ёзувчилар билан ҳамкорлик қиласизми?**

— Шу пайтгача бирон марта тайёр нарсани ўйнамаганман. Эшитган- кўрган қизиқ нарсаларни ўзимиз «обработка» қиламиз. Тўғри, гоҳида тайёрини ёзиб беришади. Лекин, ҳаммаси ҳам маъқул булавермайди... Ҳозирча шундай.

—**Асли мутахассислигингиз...**

—Алоқа институтида инженерликка ўқиганман. Радио, телевизорни саксон фоиз созлай оламан. Ўқиган пайтларим уйдан бир тийин олмаганман. Биттасининг радиоси, бошқасининг дазмолини дегандай... Ишқилиб, қўлимга нима тушса ақлим етганча қойил қилиб ташлайверардим. Ҳозир ҳам гоҳида қўшнилар носоз нарсаларини олиб чиқиб туришади.

— **Ўртоқ капитан, айтингчи, Обиднинг Собитдан фарқи нимада?**

— Гап шундаки, Обид техниканинг «т» ҳарфини билмайди. Жиддийроқ айтсам, у сўзга уста, гапга чечан. Вазиятдан тез чиқиб кета олади.

— **Уйингизда ортиқча нарса борми?**

— Билмадим. Йўғов. Ёшлигимда темир-терсак йиғардим.Шунинг учун ҳам ойим молпарастсан, деб уришардилар, энди булса... хотин. Лекин у ҳам керак.

— **Ҳаётингизда қувончли воқеа юз бериб, уйингизга дўстларингизни таклиф қилдингиз, дейлик. Уларни қандай таом билан сийлардингиз?**

— ...Буғдой нонимиз,.. Ҳа энди, борига шукур.

— **Охирги марта қачон метрога тушгансиз?**

— Ўтган йили қишда. Машинамни уриб олувдим. Айтгандай, шу йил бошида Москванинг метросига тушдим.

— **Қандай китобларни ўқийсиз?**

— Кўпроқ сатирик китобларни.

— **Дўст билан обод уйинг, дейишади...**

— Улар ҳар соҳадан. Дўст танлашда касби ё мансабига қараб танламайман.

— **Спортнинг қайси турига қизиқасиз?**

— Мен учун энг «касал» масала шу. Ҳудойим бўйдан «бергани» учун спортга кўпам ошиқолмадим. Ҳеч вақт бўлмаган. 4, 5-синфда ўқиётган пайтимда ҳатто таътил пайтлари ҳам худди ишга боргандай тўгаракка қатнардим. Шунинг учун ўлимни акробатика тўгарагига бердим. Хоккейга қизиқаман. Чунки, тезкорлиги бор. Футболнинг эса «голевой» ҳолатларини кўраман.

— **Ҳаётда нимага амал қиласиз?**

— Ақлим етмаган нарсага аралашмайман. Билсам охиригача баҳслашаман. Ноҳақлигимни биров тушунтирса тан оламан.

— **Ҳангомалардан эшитсак дегандик...**

— Бажонидил.

Поезднинг икки кишилик купесида йигит билан қиз кетишяпти. Йигит газета ўқирди.



Қиз хавотирда: «Куринишидан совуқ йигитга ўхшайди. Биламан, газетасини ўқиб бўлиб, менга тегажоғлик қила бошлайди. Нима қилсам экан? Пиела билан бошига урайми ё бақирайми?»

Йигит газетани ўқиб бўлгач, қўлига журнал олди.

— Қиз: «Ҳайрият, ҳартугул журнали бор экан. Ҳозир ўқиб булади-да менга тегажоғлик қилишни бошлайди. Нима қилсам экан?»

Йигит журнални ўқиб бўлиб қизга юзланди.

— Менга қаранг, яхши қиз. Ҳали уч кун юрар эканмиз. Яхшиси бир-биримизни хафа қилмайлик. Бир нарса сурасам йўқ деманг, илтимос...

— Нимани? — ҳаяжонланиб суради қиз қўлига чойнак-пиелани оларкан.

—Ўқишга тузукроқ китобингиз йўқми?..

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АЗИЗ ВА САХОВАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркор" акционерлик-тижорат банки ва "Наврўз" хайрия жамғармаси Сизни улкан хайрия ҳашарида қатнашишга чорлайди.

"Наврўз-95" хайрия лотереяси ана шу ҳашарнинг рамзий белгисидир!

Лотереяда
1 та 1 000 000 сўмлик;
5 та 500 000 сўмлик;
5 та 250 000 сўмлик;
10 та 100 000 сўмлик
ва бошқа катта ютуқлар бор.

Тадбиркор ва саховатпеша кишиларнинг кенг қатнашувига имкон яратиш мақсадида ютуқлар тиражи 30 май 1995 йилгача узайтирилди.

ЛОТЕРЕЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Энг кўп лотерея сотиб олган юридик шахслар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган.

"Ўзтадбиркорбанк" ва "Наврўз" жамғармаси

СИЗНИ КАТТА ЮТУҚ БИЛАН

олдиндан қутлайди!

ЎҒРИНИ УШЛАСА БЎЛАДИМИ?

Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими ўтган йили 37 ўғирликни қайд этган эди. Бу йилнинг дастлабки ойларида 20 дан ортиқ шундай жиноят содир этилди. Хўш, ўғрини ушласа, ўғирликнинг олдини олса бўладими?

Одил ЖАББОРОВ — туман ички ишлар бўлими бошлиғи:

— Бизда ўғрига юз-хотирчилик устиворроқ эди. Иккита қўйи ёки сигирини йўқотганлар, тўғриси, худодан топсин, деб қўл силтаб кетишаверади. Бу биринчиси. Иккинчидан, хабар берганинг билан барибир милиция ўғрини топиб беролмайди, деган фикр бор эди. Бунинг устига молини йўқотган одам арз қилмаса, гўё милицияга ҳам манзур тушарди. Маълумотда жиноят сони кам бўлиб турса, бунинг нимаси ёмон.

Кейинги пайтда шунга ўхшаш тўрғун қарашлар эскиргани сезилиб қолмоқда. Мол эгасининг қуй-эчкисига жони ачиб, ўғрига шафқатсиз булаётибди. Шунинг баробарида ходимларимизнинг ҳам фаоллиги ошди. Қидирув астойдил булса, жиноят очилмай қолмайди. Кейинги пайтда биз оилавий гуруҳ бўлиб ўғирлик қилганларни фош қиллик. Масалан, Навоий номли жамоа хўжалигида яшовчи Юсуф Шомирзаев илгари судланган Маматқул Чориев билан тил бириктирган. Ҳатто «операция»га 6 фарзанднинг онаси булмиш хотинини ва эндигина 17 ёшга кираётган ўғлини ҳам жалб этган. «Какайди» қўрғонида яшовчи Даврон Чориев эллик олти ёшда булса-да, мол ўғрилиги билан шуғулланувчи Жура исмли ўғлига «разведкачи» бўлиб хизмат қилган. Жарқўрғон шаҳрида яшовчи Пишулин В. деган шахснинг қилмиши тағин ҳам антиқа: молни қозиқдан ечиб етаклаб, овлоқ жойга элтади. Отиб уллиради. Гўштдор мучаларини кесиб, (чопиб) олиб мотоциклга ортади-ю бозорғаолиб киради. Яна бир талай ўғриларнинг қилмиши ошкор бўлиб, овозаси кетди.

Энди бир гап. Юзта жиноятни очиб, биттасига чора қўрилмадими, шунинг ўзи халқнинг ишончига оз булса-да, соя ташлайди. Мақсадимиз — ишончни қозониш, оқлаш. Жамоатчиликнинг, маҳалла қўмиталарининг кўмаги бизга сув билан ҳаводай зарур. «Сурхон»давлат хўжалигида бир вақтлар жиноятчилик потирлаб чиқиб қолди. Хўжалик 15 милиция ходимига ўз ҳисобидан маош бериб ишлатди. Аҳоли билан ҳамкорлик кучайтирилди. Шундан кейин жиноятчилик бирданига тенг ярмига камайди. Афсуски, шу тарзлаги ҳамкорлик кейинги пайтда сусайганидан ғайриқонуний ҳолатлар кўпаймоқда.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Жарқўрғон жиноят кўп содир этилиши бўйича вилоятда «пешқадам» ўринларни эгаллаб келганини яширимайман. Йил охирига қадар ижобий силжиш булишига эришиш—бурчимиз!.

Мамат ХЎЖАМБЕРДИЕВ — «Минор» фуқаролар йиғини раиси:

— Тумандаги ҳар икки ўғриликнинг биттаси бизнинг ҳудудимизда содир этилаётганидан ҳижолатдамиз. Сабаби, тўғриси, ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлашни ривожлантирмоқда.

Шомурод ХЎЖАНОВ — «Деҳқонобод» маҳалла қўмитаси раиси:

— Ўғри хориждан келмайди. Қишлоқнинг баланд-пасти маҳаллага беш қўллай аён. Фақат одил ишламоқ керак. Давлатдан талаб қилиш, бировни танқид қилиш — ишқамасликнинг белгиси. Имкони борини кўриш керак. Биз тўй-томошаларни кундуз куни ўтказяпмиз.

Гузар, бозор, новвойхона, атлас тўқиш цехи қурдик. Қишлоқдаги бор ҳунармандларнинг яхши ишлашига кўмаклашамиз. Жамоа хўжалигидан олган 20 сотих ерда деҳқончилик қилиб, ундан тушган даромадни маҳалланинг иссиқ-совуғига ишлатамиз. Пойабзал тўқиш цехига 6 йигитни жалб этдик. Хуллас, маҳалламиз ҳунармандчилик ва майда саноатчилар маҳалласи бўлади. Шунданми, бизда битта ҳам жиноят содир бўлгани йўқ.

Қодирқул БОБОҚУЛОВ, — Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи:

— Эндиликда ўғрилик оғир жиноят турига ўтказилганини бу «касб» билан шуғулланганлар ё шуғулланмоқчи булганлар бошқалардан кўра яхши биладилар. Жабборовнинг йил охирига қадар силжиш булишига умиди «Жўжани кузда санайдилар» деган мақолни эслатади. Саноқда тугаллик бўлгани яхши.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ

Самарқанддаги деҳқончилик коммунал қурилиш идорасининг раҳбари, ЎзХДПдан вилоят кенгашига депутат Суҳроб Рафиқов ташаббуси билан уюштирилган футбол мусобақаси муҳлисларда яхши таассурот қолдирди.

Маҳалла ва ўқув юртлари ёшларидан иборат футбол жамоалари ўртасида Сиёб тумани биринчилиги учун ўтказилган бу мусобақада «Фаттоҳобод» маҳалласи футболчилари биринчи ўринни олиб, мукофотига совутгич билан тақдирландилар. «Хўжанди», «Хўжазудмурод» маҳаллаларининг ёшлари қолган икки фахрли ўринларни эгалладилар. ҲДП Самарқанд шаҳар кенгаши, «Сино» заводи, «Субҳидам» фирмаси мусобақани уюштиришда кўмаклашди.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

ФУТБОЛ. Марказий Осиё мамлакатлари олимпиада терма жамоалари ўртасида саралаш учрашувлари бошланди. Қирғизистон—Ўзбекистон футболчилари ўртасидаги дастлабки ўйинда 1:5 ҳисоб қайд этилди.

БИРИНЧИ ЛИГА. Мамлакат чемпионатининг 8-тур ўйинларидан кейин биринчи минтақада Навоийнинг «Зарафшон» футболчилари 19 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Иккинчи минтақада Тошкент вилоятининг «Маданият» жамоаси 17 очко билан олдинда бормоқда.

СПАРТАКИАДА. Тошкентда касаба уюшмаларига қарашли спорт мактаблари ўртасида спартакиада ўтказилди. Енгил атлетика, сузиш, футбол ва миллий кураш бўйича уюштирилган баҳсларида Фарғона вилояти ёшлар умумжамоа ҳисобида ғалаба қозонишди. Тошкент шаҳар ва Андижон вилояти жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни олишди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0192, 44126 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Х. ИКРОМОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.30

1 2 3 4 5 6.